ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

# РЕФЕРАТ

Мавзу:

## «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ.»

**Бажарди: Мирахмедов Б.**

**Текширди: Турсунбоева Н.**

**Тошкент – 2006 й.**

# Ўзбекистон республикаси президентининг конституциявий мақоми.

1990 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши иттифоқдош республикалар ўртасида биринчи бўлиб президентлик лавозимини жорий этди. Бу давлат мустақиллиги йўлидаги энг муҳим қадамлардан бири бўлди.

Президентлик лавозими нима учун керак бўлади?

Ўзбекистонда президентлик лавозими жорий этилишининг асосий сабаблари қуйидагилардир.

Биринчидан, давлат мустақиллигига интилиш, республикада бошқарув жараёнини демократлаштириш айнан президентлик институти жорий этишни тақозо этар эди. Чунки парламент узоқ бахс ва мунозараларга берилиб кетиб, кун тартибида турган долзарб қарорлар қабул қилиш ва уни амалга ошириш имкониятига эга эмас эди. Шунинг учун ҳам мамлакатни бир киши томонидан бошқариш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Иккинчидан, Президентлик лавозимини жорий этиш сабабларидан яна бири,

ҳокимият/нинг бўлиниши принципини ривожлантиришдан келиб чиқади. Президентлик лавозими давлат ҳокимияти орган/изимини ташкил этишда демократик принцип/ни амалга оширишга ёрдам беришга қаратилган эди. Қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Учинчидан, Президент ўз зиммасига ҳукуматни шакллантириш ва унинг ишига раҳбарлик қилишдек улкан маъсулиятни олиш учун объектив зарурат туғилди.

Тўртинчидан, вазиятни барқарорлаштириш, тинчликни таъминлаш ва мураккаб муаммо/ни тайсалга солмасдан зудлик б/н ҳал этиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Уша пайт/да мавжуд бўлган давлат структураси бу масала/ни ҳал этишга қодир эмас эди.

Президент ҳокимияти институти Ўзбек давлатчилиги ривожланишида 1990 йилнинг март ойидан эътиборан амал қилмоқда.

Биринчидан, Президент мустақил давлатнинг бошлиғи ва халқ бирлигининг

рамзи ҳисобланади.

Иккинчидан, Президент ўз мамлакати халқи номидан иш тутади ва унинг миллий манфаатларини ҳимоя қилади. У партиявий, институционал, маҳаллий ва бошқа манфаатлардан, айниқса, ҳар қандай гоявий келишмовчиликлардан юқори туради, жамиятни ўзаро мувофиқлаштиради, ин-тимоий-сиёсий ҳаётни мустаҳкамлайди.

Учинчидан, Президент мамлакатнинг умумий ҳолати учун маъсул б/б, сиёсий барқарорликни таъминлайди, ҳуқуқий тартиботни ва хавфсизликни таъминлаш, ҳамда мамлакатнинг бошқа давлатлар олдидаги мажбуриятини бажариш борасида қарорлар қабул қилади, тезкор чора-тадбирлар кўради.

Тўртинчидан, Президент ижро этувчи ҳокимиятни бошқаради ва унинг фаолиятини йўналтиради.

Бешинчидан, Президент мамлакат қуролли кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, давлат мудофааси ва фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўташи учун рахбарлик қилади.

Олтинчидан, Президент ижро ҳокимияти тизимида юқори лавозимга тайинлаш

ваколатини амалга оширади фуқаролик масалаларини ҳал қилади, фуқароларни давлат нишонлари билан мукофотлайди ва айблардан ўтади, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланишининг, шунингдек, мамлакатда конституция ва қонунларнинг кафолати ҳисобланади.

Табиийки, бу санаб ўтилган ҳолатлар президентлик институтининг умумий хусусиятлари бўлиб, улар ҳар бир мамлакатда маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда ўзига хос равишда қўлланилиши мумкин. (юқорида келтирилган мисолга диққат қилинг.) Уларнинг барчаси Ўзбекистонда президентлик лавозимини ва Президентлик институтини юрий этишда, уни янада такомиллаштиришда ҳисобга олинди ва олинмоқда. Бу масала 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ Референдуми қарорларини хаётга тадбиқ этиш борасида бўлиб ўтган II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VIII сессиясидаги Президентимиз И.Каримовнинг „Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди" номли маърузасида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига кўра: „Ўзбекистон Респуб-

мкаласининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир." дейилган.

Демократик ҳуқуқий давлатда давлат бошлиғининг мақоми конституция ва у асосида қабул қилинадиган қонунлар томонидан аниқ белгилаб қўйилади. Бу давлатдаги энг юқори лавозимни эгаллаган шахс учун жуда зарурдир.

Президентнинг конституциявий мақоми давлат бошлиғининг функциялари ва ваколатини белгилаб қўювчи конституция нормаларида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Конституциясининг тузилиш мантиқи ҳокимиятларнинг бўлиниши принципига мос тушади. Конституцияда ҳокимиятларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш бўйича асосий вазифа Президент зиммасига юкланган. Президентнинг Ўзбекистон давлат ҳокимияти органлари тизимидаги алоҳида ўрни батафсил ифодаланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Президентнинг роли-нуфузи ўсди. У бевосита халқ томонидан сайланади, давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатида катта ҳажмдаги ваколатларни амалга оширади.

Бошқарувнинг президентлик шаклида

Президент умумхалқ сайловларида сайла-
нади ва давлат бошлиғи б/б ҳисобланади,
айни вақтда, ижро этувчи ҳокимиятини бош-
қаради, бевосита Президент олдида жавоб-
гар бўлган ҳукуматни тузади.

„Президент" тушунчаси конституциявий
ҳуқуқий маънода давлат бошлиғи деган
маънони англатади. Президент давлатни
яхлитлаштириш, яъни давлат ҳокимияти
механизмининг барқарорлиги ва ҳаракат-
чанлигини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил-
даги Конституциясига мувофиқ Президент
ҳокимият/ бўлиниши принципига риоя
қилинишида давлат механизмининг энг
муҳим институтидир.

Давлат бошлиғи сифатида президент
давлат ҳокимияти орган/и тизимида етак-
чи роль ўйнайди. Президент давлат ичида
ва халқаро муносабат/да Ўзбекистоннинг
олий вакиллигини амалга оширади.

Давлат бошлиғи ўзида у ёки бу ҳоки-
мият тармоғини эмас, балки давлат ҳо-
мият тармоғини эмас, балки давлат ҳо-
бутун давлат ҳокимиятининг бирлигини
намоён этади. Ўзбекистоннинг олдинги
Конституция/и (1927, 1937 ва 1978 йил/даги)
давлат бошлиғи институтини назарда тут-
ган эди.

Давлат бошлиғи вазифасини Олий Совет Президиуми амалга оширар эди.

Ўзбекистон Республикасининг Президентига ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғи сифатида бевосита иқтисодиётга, ижтимоий ва маънавий соҳаларга раҳбарлик қилиш вазифаси юкланган. Бунинг учун унга фармойиш берувчилик функциялари берилган. Ижро этувчи ҳокимиятга қонунларни ижро этиш мажбурияти юкланган, бу ҳокимият тармоғининг номи ҳам шундан келиб чиққан. Ижро этувчи ҳокимиятнинг фаолияти муайян ва бир-бирига бўйсунадиган давлат органлари тузилмалари орқали амалга оширилади. Унга Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси етакчилик қилади. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси — Ҳукуматнинг расмий номидир. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги қонунининг 1-моддаси)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасида шундай дейилган; «Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, сайланиши мумкин. Айни бир шахс сурункаси-

га икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас.
Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли б/н етти йил муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуни б/н белгиланади.

Айрим давлат/г конституция/сида Президент лавозимига номзодлар ва уни сайлаш тартибига қўйиладиган шартлар ҳам белгилаб қўйилган. Умуман, барча мамлакат/да президент лавозимига номзодлар бир қатор талаб/ қўйилади:
Биринчидан, ёш цензи: АҚШ, Россия ва Ўзбекистонда – 35 ёш, ГФРда – 40 ёш, Италияда – 50 ёш ва ҳоказо;
иккинчидан, туғилиши б/н муайян мамлакат фуқароси бўлиши ёки сайловгача мамлакатда узоқ муддат яшаши, масалан Россияда – 10 йил, АҚШда – 14 йил, Ўзбекистонда – 10 йил ва ҳоказо;
учинчидан, президент лавозимида бўлиш муддати; АҚШ, ва Россияда – 4 йил, ГФР ва Францияда – 5 йил, Мексикада 6 йил, Италия ва Ўзбекистонда – 7 йил ва ҳоказо.

Тўртинчидан, кўп мамлакат/да президент лавозимига бир мартадан ортиқ (Мексика), икки мартадан ортиқ (Россия, АҚШ) сайланиш мумкин эмас. Франция ва Италияда президентнинг қайта сайланиш имконияти чекланмаган. Бешинчидан, президент лавозимини бошқа давлат ёки хусусий фаолияти б/н қўшиб олиб боришлари ман этилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90 моддасидаги Президент лавозимига номзод/га қўйиладиган талаблар жаҳон стандартларига тўла мос келади. Масалан, 35 ёшга кирган фуқаро Ўзбекистон Республикасининг фуқароси сифатида Президент этиб сайланиши мумкин. (мамлакат Олий Мажлисига депутат этиб сайланиш учун 25 ёш етарли эканлигини эслатиб ўтамиз.)

Ўзбекистонда президент сайловлари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли б/н амалга оширилади. Ўзбекистондаги 1991 ва 2000 йил/даги президент сайловлари айнан шу йўл б/н ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 91-моддасида, „Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти б/н шуғулланиши мумкин эмас.